# ТАБИАТ ва ИНСОН

№ 52



**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси**

*Сарҳисоб ва режалар*

## БИР ЖОНУ БИР ТАН БЎЛАЙЛИК

Бизни ўраб турган табиат фақатгина бугунимиз учун хизмат қилмайди. У эртанги кунимиз, келажагимиз, соғлом авлодимизнинг асоси эканини таъкид этмасак ҳам барча англаб етади. Демак, уни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, ундан моҳирона фойдаланиш зарур. Лекин кейинги пайтда бунга баъзи корхоналар, ташкилотлар етарли эътибор беришмаётир. Шу сабабли кўп ҳолларда ўтказилган тадбирлардан кўзланган мақсадларга эришолмаяпмиз. Ҳавога ҳали ҳам зарарли ва заҳарли моддалар чиқмоқда; тоза сув масаласи муаммо бўлмоқда; ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига зарар етаяпти. Хуллас, табиатга қанчалар тошбағирлик қилсак унинг ижтимоий, моддий таъсири бизга шунчалар кўп бўлаверади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жонкуярлари ўтган йили зиммаларидаги масъулиятли вазифани уддалашга астойдил ҳаракат қилдилар. Лекин кўпгина корхоналар ҳали ҳам ўзини ўнглаб ололмагани, иқтисодий аҳволнинг, алоқаларнинг танглигига барҳам берилмаётгани, хом ашё етишмаслигидан ишлаб чиқаришнинг 35-40 фоизга камайгани сабаб кўпгина тадбирларимиз бажарилмай қолди. Шундай бўлса ҳам кўпчилик корхоналарнинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юмушларини алоҳида таъкидлаш керак. Табиат муҳофазаси уларнинг иш режаларида биринчи масала бўлиб турганиёқ сўзимизнинг исботидир. Шу сабабдан ҳам шаҳримиздаги экологик ҳолат бир меъёрга тушиб бормоқда, ижобий ўзгаришлар сезилмоқда. Ундан ҳам қувончлиси корхоналарнинг раҳбарлари табиий неъматлардан фойдаланишни ўзгартирмоқдалар, унга тадбиркорлик билан ёндошмоқдалар. Табиий бойликлар — ҳаво, сув, ер беҳисоб эмас, балки уларнинг ҳам чегараси борлигига амин бўлмоқдалар. Бу ютуқларимизнинг асоси бўлиши турган гап.

Ҳозирги давримизда илм-фаннинг ривожи ишлаб чиқариш чиқиндисиз бўлишига эришишимизда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўтган 1995 йилда нималарни қилишга улгурдигу, нималарга улгурмадик? Буни рақамлар манаман деб айтиб турибди. Ўтган йили корхона ва ташкилотлар томонидан 360 тадбир ўтказишни режалаштиргандик. Бунинг учун 116,2 миллион сўм сарф этилиши кўзда тутилганди. Амалда эса 229 тадбир ўтказдик, 68 миллион сўм сарф этилди. Хўш, оқибатичи, деган савол туғилади. Ҳавога йилига чиқадиган 2090 тонна зарарли моддаларга барҳам берилди; очиқ сув ҳавзасига йилига 220 минг кубометр оқава ташлайдиган манба тугатилди; бир кеча-кундузда умумий қуввати 1863 кубометр оқава сувни қайта ишловчи тизим ишга туширилди; йилига 1024,4 минг кубометр ифлос сув ташлайдиган 6 манба шаҳар канализациясига уланди. 575 минг кубометр тоза сув иқтисод қилинди.

Ўтган йил давомида Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг таъмирлаш-ишга тушириш тажриба механика заводи, «Компрессор», «Тошкимёқишлоқмаш», «Реле ва автоматика» заводлари, «Ўзэлектроаппарат», «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкентсут» акционерлик жамияти, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 6, 8-темир-бетон маҳсулотлари комбинатлари, «Тошшаҳартранс» концерни, «Рангли лок» фирмаси ва бошқа корхоналар табиат муҳофазасига бағишланган тадбирларни мукаммал бажардилар.

Тошкент иссиқлик маркази, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент аэропорти ҳам ўз ишларида жиддий бурилишлар ясашди. Лекин «Ўзиккиламчиранглиметалл» акционерлик жамияти йилдан-йилга жанубий Сергели канализацияси қурилишига қўшадиган ҳиссасини пайсалга солиб келмоқда.Оқибатда бу муҳим иш чўзилиб келяпти. Раҳбарлар эса ваъдани қуюқ қилишяпти, холос.

Табиатни муҳофаза қилиш масаласида қайси корхона қандай юмушни адо этди — бирма-бир санаб ўтиш мушкул. Биргина мисол билан кифоялансам: «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасида қозонхона тугатилиб, иссиқлик тармоқлари Тошкент иссиқлик марказининг АП-7 йўналишига уланди. АП-2. АП-4 да эса қозонхона, автоматик ёнилғи қуйиш шохобчаси таъмирланди. Энг муҳими автомобилларнинг двигателлари таъмирдан чиқарилгандан сўнг, ҳавога зарарли, заҳарли моддалар, газлар чиқарилиши 1363 тоннага камайди.

Бизни ранжитадиган ҳолатларга ҳам кўп марта дуч келдик. Бажарилмай қолган тадбирлар — бу одамларнинг лоқайдлиги, эртанги кунимизга бефарқлигининг белгисидир, холос. Буни бошқача изоҳлаб бўлмайди.

«Ўзбекқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида углерод оксидини ёндирувчи қурилма ва тизимли 1-вагранка ўз вақтида ишга туширилмади. Оқибатда 18 тонна чиқинди ҳали ҳам ҳавони зарарлаяпти. «Тоштўқимачимаш» заводида ҳам аҳвол шу. Бу ерда чўян қуюв цехида вагранка тозалаш қурилмаси билан тўлиқ таъминланмади. Тозалаш қурилмаларини ўрнатиш ва ишга тушириш 1996 йилнинг биринчи чорагига сурилди. «Ўзбекпахтамаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида пайвандлаш ва бўяш участкаларини тозалаш қурилмалари билан таъминлаш лойиҳаси ҳали ҳам ишлаб чиқилмади. Ёнилғи сақлайдиган омборни таъмирлаш юзасидан қурилиш-монтаж ишлари ҳали ҳам бажарилмаган.

Худди шундай эътиборсизлик оқибатида табиат бағрини нохуш этаётган кўнгилсизликлар Тошкент иссиқлик энергия марказида ҳам, «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам, «Тошкент» тепловоз депосида ҳам, «Қундуз» акционерлик жамиятида ҳам, Сергели ижарадаги мебель бирлашмасида ҳам, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам мавжуд.

Бизни ранжитадиган яна бир ҳолат — бу чанг тозалайдиган, сувни тозалайдиган, ҳавони, ерни, сувни тоза сақлашга мўлжалланган қурилишларнинг йилдан-йилга сурилиб, судралиб келаётганидир. Масалан, Фуқаро авиациясининг 243-заводида автомобиллар ювиш жойини жиҳозлаш тугалланмаган. Уни қуриш 1994 йилда бошланган, оқава сувларни шаҳар канализациясига ташлашга мўлжалланганди. «Оникс» ҳиссадорлик жамиятида цехлардан чиқадиган газларни тозалаш қурилмаларини лойиҳалаш 1992 йилдан бери давом этиб келмоқда! Агрегат заводида шундай лойиҳа 1993 йилдан бери «ишланяпти». Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бир неча йиллардан бери ҳаво, ер, сувни ифлослантирувчи манбаларни аниқ ва тўлиқ рўйхатга олиш пайсалга солинмоқда. «Тошшаҳюктранс»нинг 142-автосаройида 1993 йилдан бери тозалаш иншоотлари қуриб битказилмайди. Ҳатто чинни заводида ҳам тегишли иншоотларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш чўзилгандан чўзилиб, 1993 йилдан давом этиб келмоқда. Бундай ҳолатлар, табиийки, бизни ташвишга солади.

Ўтган йили Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратида 565 саноат корхоналари, 1800 кичик ва қўшма корхоналар турди. Рўйхатдаги корхоналар, ширкатлар сони эса 10200 тани ташкил этади. Қўмитамиз назоратчилари томонидан ўтган йили 20931 зарарли моддалар чиқарувчи манба аниқланди. Уларнинг 30 фоизи газларни тозалаш қурилмалари билан мутлақо таъминланмаган.

Бизни атроф-муҳитга катта зарар етказадиган заҳарли чиқиндилар қаттиқ ташвишга соляпти. Энг ачинарлиси қаттиқ заҳарли чиқиндиларни корхоналар ҳам ҳануз ҳавога чиқарадилар. Таҳлилларга назар соладиган бўлсак 1995 йилда 81 саноат корхонасида 20818 тонна заҳарли чиқиндилар тўпланиб қолган. Ундан 2855 тоннасигина йўқотилган. Корхоналар ҳудудида 5004 тоннаси, шаҳардан ташқаридаги махсус жойда эса 152 тоннаси сақланиб турибди.

Бизни қийнаётган муаммолардан яна бири заҳарли чиқиндиларни қайта ишлаш, сақлаш, кўмиб ташлаш учун майдон тайёрлашга ер ажратиб берилмаётганидир. Биз бу зарур ҳаётий муаммо бу йил ҳал бўлади деб умид қиламиз.

Маиший чиқиндилар ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Шаҳар ахлатхонасига беш туман ҳудудидаги корхоналардан, маҳаллалардан ахлат келтирилади. Тахминан 80-100 тонна ахлат чиқиндиларни қайта ишлаш заводига келтирилади. Афсуски, бу чиқиндиларнинг бир қисми қайта ишланиб, қолгани асосан кўмиб ташланяпти. Заводнинг ишлаб чиқариш қудрати вақтида ўрганилмади, такомиллаштирилмади. Оқибатда бутун жиҳозлар ишдан чиқди. Чиқиндилар ҳозир қуйи Ҳасанбой қўрғонидаги ахлатхонага келтирилмоқда. Лекин бу шаҳар талабларига жавоб бермайди. Ахлатни қайта ишловчи қудратли завод қурилиши ҳам бу йилнинг кун тартибида турган масаладир.

Афсуски, бундай камчиликлар деярли барча корхоналарда, ташкилотларда мавжуд. Бундан ҳам ачинарлиси корхона раҳбарлари табиатни муҳофаза қилишда ўрнак бўлиш ўрнига жарима тўлашга зўр бермоқдалар. Шундай бўлмаса кошки эди!

Ўтган йилги ютуқлар бизни кифоялантирмаслиги керак. Бу йил қўмитамиз аъзолари ҳар қачонгидан ҳам қатъият билан ишга киришганлар. Ниятимиз битта: шаҳримиз ҳавоси мусаффо, сувлари тоза, ери серҳосил бўлсин! Ҳамшаҳарларимиз яйраб яшашсин. Бундай савобли ишда қўмитамиз ходимларига барча бирдек кўмаклашиши керак. Умид қиламизки, барчамиз бирдек табиатни севамиз, табиатсеварлигимизни намойиш этамиз, пойтахтимизни янада гўзал масканга айлантирамиз.

Юсуф РАЖАБОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси.

*Наврўз нашидаси*

## ҲАММА — УМУМШАҲАР ҲАШАРИГА

Халқимизда эзгу удумлар ниҳоятда кўп. Уларнинг бири ҳашардир. Кишилар не-не юмушларни кўпчилик бўлиб, холисаниллоҳ ҳашар йўли билан адо этганлар. Ҳашар билан уйлар қад ростлаган, боғлар бунёд бўлган, йиллар мобайнига чўзиладиган ишлар бир кунда ўз ижобатини топган.

Ўлкамизда гулгун баҳор сепини ёймоқда. Бугун-эрта юртимиз бағрига гул-чечак сочиб Наврўзи олам ташриф буюради. Азалдан Наврўз покизалик, тозалик, мурувватлилик байрами сифатида эъзозланади. Шаҳримизда ҳам шу муносабат билан 16 март куни умумхалқ ҳашари ўтказилиши бежиз эмас.

Хўш, ҳашарда қандай юмушлар амалга оширилади? Одатда ҳаётимизнинг гарови бўлган сув йўллари, яъни ариқлар биринчи навбатда тозаланди. Унда сув равон оқиши учун ҳатто хас-чўплар ҳам қолдирилмайди. Сўнгра дов-дарахтларга чиройли шакл берилади, янги ниҳоллар ўтқазилади. Хиёбонларга, гулзорларга анвойи гуллар экилади.

Шаҳримиз йил сайин кенгайиб, бағри тўлиб бормоқда. Айниқса қурилаётган биридан бири кўркам бинолар, текис, равон йўллар киши дилида ҳавас уйғотади. Баҳорда шаҳримиз бағрини, хусусан янги қурилган мавзеларни турли чиқиндилардан, хазонлардан тозалаш, уй-жойларга пардоз бериш, майсазорларни кўпайтириш одатий юмушларимиз саналиб қолган.

Маълумки, Наврўзда шаҳримизнинг сўлим гўшалари — «Боғи Эрам», Амир Темур хиёбони, «Зангори гумбаз»лар хиёбони, Улуғбек номидаги, Абдулла Қодирий номидаги ва бошқа маданият, истироҳат боғлари ҳамшаҳарларимиз билан гавжум бўлади. Бу ерларда байрам тантаналари бўлиб ўтади. Демак, ушбу хиёбонлар ҳар томонлама тоза бўлса байрамимизга файз киради, ўзимизнинг баҳри-дилимиз очилади.

Азиз ҳамшаҳарлар! Баҳор файзи, Наврўз нашидаси бизнинг дилларимизни қувнатиши, яйратиши учун энг аввало шаҳримизни кўркам, озода ҳолда кўрсак қани эди! Шунинг учун ҳаммамиз бир жону бир тан бўлиб, ҳашарга чиқсак, шаҳримизнинг жонкуяр фарзанди эканлигимизни намойиш қилсак, табиат бағрига яна ҳам гўзаллик бахш этсак айни муддао бўлади. Зеро, озодагарчиликка эътибор бериш, бир дона ниҳол экиш ҳам табиатни ардоқлаш демакдир. Ҳамма Наврўз ҳашарига, табиат бағрини яшнатишга, азизлар!

Толиб ЙЎЛЧИЕВ.



*Баҳор келиши билан ёшу қари Наврўз тараддудига тушади. Айниқса, маҳаллаларда, мактабларда ҳашарлар авжига чиқади. Сирғали туманидаги Увайсий номли мактабда ҳам шу кунда баҳорги юмушлар қизғин давом этмоқда. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчиси Саида Эшмуҳамедова ўқувчиларга табиат сирлари, ерга ишлов бериш, қушларга меҳрибончилик қилиш ҳақида қизиқарли суҳбатлар олиб боради.*

*Сиз кўриб турган суратларда Увайсий номли мактаб кичкинтойларининг меҳнат билан банд паллалари акс эттирилган.*

*Равиль Альбеков олган суратлар.*

*Қўчат экиб, боғ яратинг*

## ЗУМРАД ҲИМОЯЧИЛАР

Йирик шаҳарларда ҳар бир кишига 5 квадрат метр, турар жой мавзеларида 7 квадрат метр яшил ўсимлик олами тўғри келиши зарурлиги олимлар томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Шаҳардаги боғларнинг умумий сатҳи эса 15 гектарни ташкил этади. Хиёбонлар, боғлар, дам олиш масканларидаги яшил дов-дарахтлар миқдори ҳудуд майдонининг 70 фоизини ташкил этмоғи даркор. Бугунги кунда ҳамшаҳарларимизнинг янада яхши яшашлари учун пойтахтимизда кўчат экишни авж олдириб юбориш лозим. Бунинг шаҳар ҳавосини тозалашда ҳам аҳамияти каттадир. Ўртача катталикдаги дарахт 25 соат ичида 3 киши учун зарур бўлган кислородни ишлаб беради. Бир гектар майдондаги дарахтлар эса кунига 220-280 килограмм ис газини ютиб, 180-200 килограмм кислородни ҳосил қилади.

Жазирама иссиқда дарахтзордаги ҳарорат асфальт йўлдагига қараганда 2,5-3 даража салқинроқ бўлади. Бир гектар дов-дарахт 100 тоннагача, игнабаргли ўрмон эса 40 тонна чангни ютар экан.

Ишлаб чиқариш, саноат корхоналари атрофига чинор, терак, эман дарахтларни экилса яхши натижа беради. Жўка, настарин барглари чанг-ғубор, олтингугурт кукунини яхши ютади. Агар заҳарли моддалар миқдори ҳаддан зиёд ортиб кетса, ўсимликнинг хужайралари ва ниҳоят дарахтнинг ўзи ҳам нобуд бўлади.

Турли касаллик тарқатувчи бактериялар кўп бўлган ҳудудда уларни емирувчи дарахт турларини экқан маъқул. Бунга нок, оқ қайин, оқ акация, мажнунтол, қарағай каби дарахтлар экилса айни муддаодир. Дов-дарахтлар афзаллигининг яна бир томони шундаки, улар шовқин-суронни бир мунча камайтиради.

Шундай экан, азиз ҳамшаҳарлар, гўзал Тошкентимизни яна ҳам кўркамлашишига ўз ҳиссамизни қўшайлик!

Ким ФАТТОҲОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг масъул ходими.

*Шеърий лаҳзалар*

## БАҲОР ЁМҒИРИ

Булут босиб келдию,
Ҳаво солди қовоғин.
Гулдираги гулдираб,
Яроқлади чақмоғи.

Кўкдан тушар томчилар,
Муздаккина қамчилар.
Дов-дарахтлар юз тутди:
Соғиндик-эй қанчалар!

Шивир-шивир шивирлаб,
Ёмғир қуйди шитирлаб.
Бўғотларга беркинди,
Шўх чумчуқлар питирлаб.

Ўйнаб-ўйнаб тушар сув,
Куйлаб-куйлаб тушар сув.
Ер бағрини тўлдириб,
Қувнаб-қувнаб тушар сув.

Олам бўлди покиза,
Ариди чанг ғубори.
Кеча-кундуз ёғса ҳам
Босилмайди хумори.

Ёғиши бир чиройлик,
Шўхлиги худди тойдек.
Гўё осмон аямай,
Ерга сочмоқда бойлик.

Ёмғир қуйди пақирлаб,
Чучвараси вақирлаб.
Булутнинг кўз ёшига
Чўмилмоқда тоғ, қирлар.

Ёғ-ёғавер, ёмғиржон.
Томчинг ризқ-рўз, қут
бўлсин!
Олам яшнаб кетсину,
Насибамиз бут бўлсин!

Темур УБАЙДУЛЛО.

*Бизни ўйлантираётган муаммолар*

## СУВ ТАЪМИНОТИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг навбатдаги мажлиси сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда вужудга келган оқава сувларни тозалаш масаласига бағишланди. Унда шаҳар санитария-эпидемиология станцияси, геологик ташкилотларнинг мутахассислари, эколог олимлар иштирок этдилар.

Маълумки, ҳар куни пойтахт эҳтиёжи учун 2,5 миллион кубометр атрофида тоза сув сарфланади. Шаҳар аҳлининг 96,8 фоизи марказлашган сув қувуридаги тоза ичимлик суви билан таъминланган. Сув қувурининг умумий узунлиги 3,5 минг километрни ташкил қилади. Бошқача изоҳлаганда бу Москва билан Тошкент шаҳри орасидаги масофага тенгдир. Икки мингдан ортиқроқ километрни эса канализация оқаваларининг коллекторлари ташкил этади. Ана шу ўта мураккаб хўжаликда шаҳар «Сувсоз» трестининг жонкуяр ходимлари хизмат қилишди.

Кўпгина иншоотлар ёшининг анчайин «улғайиб» қолгани, зарур мосламаларнинг мунтазам етишмаслигига қарамасдан шаҳримиз ҳудудининг аксарият қисми «Сувсоз» ходимларининг хизмати туфайли ҳамиша кўм-кўкдир. Ичимлик сув сифати ва ҳавзаларга ташланаётган сувлар қаттиқ назорат остига олинган.

1995 йилда Бектемир туманида янги тозалаш иншооти қуриб битказилди. Бошқа барча иншоотларда янги мосламалардан фойдаланилмоқда. Бу эса тозалаш сифатини янада яхшилайди.

Қўлга киритилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, «Сувсоз» тресті раҳбарияти йўл қўяётган айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Узоқ вақтдан буён трестда табиат муҳофазаси борасидаги тадбирлар ҳужжатларининг кўрсатмалари якунланмаган. Ундан ташқари ён-атрофдаги саноат, транспорт корхоналарининг жойлашуви ҳам аҳволга ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти.

Тозалаш ишларига қарамасдан Салор, Бўзсув каналларига чиқиндилар оқизиш давом этяпти. Ҳозирги вақтда трестнинг чиқинди ташлаш мароми муддати белгиланган ҳужжат эскириб қолган. Чиқинди ташлаш меъёри эса ҳар гал нима учундир ошиб бораверган. Узоқ йиллар мобайнида катта қувватли сув тозалаш иншооти қурилмаётир.

Ҳозирги пайтда амалда қўлланилаётган қоидалар нима учундир сувга таркибида металл ва бошқа кимёвий моддалар бўлган чиқиндиларни оқизишга «йўл қўяди». Ахир янги тартиб ва йўриқларни ишлаб чиқишнинг вақти келмадимикан?..

Кичик корхоналар, автотранспорт ташкилотлари фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатиш пайти аллақачон келган-ку!

Хуллас, йиғилишда кўтарилган масалалар шунчаки қоғозда қолиб кетмасдан амалда тадбиқ қилинсагина ичимлик сув таъминотидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Владимир КВАСНИКОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчиси.
Нозима ИСЛОМОВА.

*Гапни гапир уққанга*

## ЛОҚАЙДЛИКНИНГ БАҲОСИ

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари томонидан ҳар ойда Тошкентда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг иш жараёни мунтазам текшириб борилади. Февраль ойида шундай текширувлардан 95 таси ўтказилди. Булар орасида очиқ турдаги «Ўзкимёполимерсавдо» ҳиссадорлик жамияти ҳам мавжуд.

Текшириш пайтида шуниси аён бўлдики, зарарли чиқинди ташлаш учун тегишли рухсатномалар йўқ экан. Ўта заҳарли моддаларни мўътадиллаштириш майдончаси зарур мосламалар билан жиҳозланган. Атмосферани заҳарли моддалар билан ифлослантириш ҳамон давом этмоқда. Бошқача айтадиган бўлсак бу ерда фавқулодда авария ҳолати юзага келиб қолган. Уни текшириш учун Республика Миллий хавфсизлик хизмати, туман санитария-эпидемиология станцияси ходимлари астойдил иш бошлаб юбордилар.

«Оникс» ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси Ў. Мусаев атроф-муҳитга зарарли моддалар ташланишига томошабин бўлгани сабаб 750 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Тошкент вагон таъмирлаш заводининг мутасаддилари эса табиат муҳофазаси қоидаси бузилганлиги туфайли 250 сўм жарима тўладилар. Бошқа корхоналарда ҳам аҳвол ҳавас қиларли даражада эмас.

Ушбу камчиликлар билан биргаликда ўзбошимча тарзда шаҳар ҳудудидаги дарахтларни кесиш ҳолларига ҳам кўп марта дуч келинмоқда. Юнусобод туманидаги «Астробод» маҳалласида ҳам «қуриб қолган» деган важ-карсонлар билан бир нечта дарахт кесилган. Ваҳоланки, улар орасида соғлом дарахтлар ҳам бор эди. Буни қарангки маҳалла қўмитаси раиси О. Оқилов соғлом дарахтни ким кесганини билмас экан. Натижада унга ҳам 250 сўм миқдорда жарима солинди.

Жарима — лоқайдликнинг баҳоси. — Лекин шу баҳонинг бўлмаслиги ҳаммамизнинг таъбимизни равшан қилиши турган гап-ку. Бунинг учун эса ҳаммамиз жонкуяр бўлмоғимиз керак.

Наргиза ЁДГОРОВА.

*Ижро интизоми*

## КАМЧИЛИКЛАРДАН ҲОЛИ ЭМАС

«Ўзбекқоғоз» ҳиссадорлик жамиятида сувдан техник зарурат учун, яъни ҳар тоифа қоғозлар ишлаб чиқариш, қозонхона, буғлатиш, автомашина ювиш, корхона ҳудудидаги ўт-ўланларни суғориш, шунингдек маиший-хўжалик юмушлар учун фойдаланилади. Бунинг учун эса корхона 5 та хусусий артезиан қудуғи сувини ишлатади. 4 та қудуқ корхона ҳудудида жойлашган. Корхонанинг бошқа сув манбаи бўлиб эса Қорасув канали хизмат қилади.

Фойдаланилган оқава сувлар қоғоз ва картон ишлаб чиқариш цехидан, қозонхонадан чиқади. Маиший хўжалик оқава сувлар ошхона, душ, маъмурий бино, уй-жой массивида тўпланади. Оқава сувларни тозалашда 8-10 фоизли алюминий сульфат коагулянти қўлланилади.

Корхонанинг тозалаш цехида ПОД-13 маромли ҳисоб дафтари тутилган бўлиб, унда оқава сувларнинг чиқиндилари ҳажми қайд этиб борилади.

Корхонадаги мазут заҳираларини тозалаш жадвали зудлик билан тузилмоқда.

Қани бир танишиб чиқайлик-чи, «Ўзбекқоғоз»нинг чиқиндилари қай йўсинда бартараф этиларкан?

Металл парчаларини корхонада тўплаш яхши йўлга қўйилган экан. Қора металл тегишли ташкилотга топширилади. 1995 йилдаги топширилган қора металл 82 тоннани ташкил этганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ишлар яхши йўлга қўйилган дея хулоса қилиш мумкин.

Рангли металл парчалари «Рангли металл» корхонасига топширилиб, ўтган йилги умумий топширилган металл миқдори 1260 килограммга тенг бўлган. Транспорт цехида ҳар хил маркадаги 28 та машина мавжуд. Улар махсус мой ҳамда бензин билан таъминланади. Қайта ишланган мойлар алоҳида идишларда сақланади.

1995 йилда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 02-765 рақамли мактубга асосланиб канализация қурилиш муддати 1996 йилнинг иккинчи чорагига қолдирилди, 2-ТН (сувхўжалиги)нинг ҳисоботи 1995 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтди; 4-ОС хўжалигининг ҳисоботи жорий йилнинг январь ойида тақдим этилди; сув заҳиралари ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасидаги тадбирлар режаси 1995 йилнинг декабрь ойида тақдим этилди, юқори маромдаги чиқинди ташлаш учун ўз вақтида 4352 сўм пул тўланди; 1996 йилги сув заҳиралари ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасидаги тадбирлар режаси шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамжиҳатликда кўриб чиқилди, барча меъёрлаш тадбирлари ўз вақтида амалга ошириляпти. Қорасув каналининг ахлатхона атрофи мунтазам тозаланмоқда, канализация қурилиш ишлари давом этяпти; 1995 йилги кўкаламзорлаштириш ишлари ҳисоб-китоб рўйхатига олинди.

Шу билан бир қаторда иш жараёни камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Масалан, транспорт цехида ишланган мойлар қуювчи участкада ҳимоя мосламаси йўқ; худди мана шу жойда асфальтлаш ишлари бажарилмаган.

Қайд этилган юқоридаги камчиликлар асосида шаҳар табиатни муҳофазалаш қўмитаси ушбу кўрсатмаларни белгилаб берди; табиат муҳофазаси тадбирлари рўйхатини 1996 йилнинг март ойигача топшириш қайд этилди; худди мана шу муддатгача мазут заҳираси хўжалигининг иш жадвали белгилаши керак; транспорт цехида қайта ишланган мойларни қуйиш идиши учун ҳимоя мосламаси шу йилнинг март ойигача ўрнатилиши ва транспорт цехидаги асфальтлаш ишлари ниҳоясига етказилиши зарур.

Ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек «Ўзбекқоғоз» ҳиссадорлик жамиятида амалга оширилаётган хайрли ишлар билан биргаликда камчиликлар ҳам мавжуд. Аммо камчиликларни хаспўшлаш, уларга бефарқ қараш ўзимиз ўтирган шохга ўзимиз болта уриш билан баробардир. Зеро, она-Тошкентимиз сувининг зилол ва сифатли бўлиши учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Раъно НЕЪМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчиси.
Нодира УМАРОВА.

